

УДК: 613.2:577.112.3:612.015.44

Файзиев Пирмаат Нормаматович

Гигиена кафедраси мудири, тиббиёт
фанлари доктори, доцент
Самарқанд, Ўзбекистон

Саибназаров Азизбек Таълат ўғли

Жавхаров Шохрух Жўракул ўғли

Боборахматов Султонали Салом ўғли

Гигиена кафедраси клиник ординаторлари
Самарқанд, Ўзбекистон

АҲОЛИ ОРАСИДА ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Даладан дастурхонгача ХАССП тизимини қўллаш ҳар бир тармоқ учун муҳим бошқарув нуқталарини белгилашни талаб қилади. Мазкур жараён хомашё, ишлаб чиқариш технологияси, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва мамлакатнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муҳим бошқарув нуқталарини аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган. Ишлаб чиқариладиган ва сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар бир муҳим бошқарув нуқтаси учун мезонларни илмий асосланмасдан бу жараённинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мумкин эмас.

Калит сўзлар: Озиқ-овқат, маҳсулотларнинг ифлосланиши, мева-сабзавотлар, кундалик озиқ-овқат.

УДК: 613.2:577.112.3:612.015.44

Файзиев Пирмаат Нормаматович

Заведующий кафедрой гигиены,
доктор медицинских наук, доцент
Самарканд, Узбекистан

Саибназаров Азизбек Таълат угли

Жавхаров Шохрух Жўракул угли

Боборахматов Султонали Салом угли
Клинические ординаторы кафедры гигиены
Самарканд.Узбекистан

ИССЛЕДОВАНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО СПРОСА НА ОВОЩИ И ФРУКТЫ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация: Применение системы НАССР по принципу от фермы до стола требует установления контрольных критических точек для каждой отрасли. Данный процесс рассчитан на выявление и анализу критических точек, с учетом особенностей сырья, технологии производства, перевозки, хранения переработки и климатических особенностей страны. Без научного обоснования критериев каждой контрольной критической точки производимой и реализуемой пищевой продукции, невозможно обеспечение эффективности и целенаправленности данной процедуры.

Ключевые слова: Питательный, загрязнение продуктов, овощи и фрукты, среднедневная еда.

UDK: 613.2:577.112.3:612.015.44

Fayziboev Pirmamat Normamatovich

Samarkand State Medical University

Head of the Department of Hygiene, MD, Associate Professor

Samarkand, Uzbekistan.

Saibnazarov Azizbek Talat ugli

Zhavkharov Shokhrukh Zhurakul ugli

Boborakhmatov Sultonali salom ugli

Clinical residents of the Department of Hygiene

Samarkand, Uzbekistan

ESTIMATION OF DEMAND FOR CONSUMPTION OF VARIOUS TYPES OF VEGETABLES AND FRUITS AMONG THE POPULATION

Abstract: Applying the HACCP system from farm to fork requires establishing

critical control points for each industry. This process is designed to identify and analyze critical points, taking into account the characteristics of raw materials, production technology, transportation, storage, processing and climatic characteristics of the country. Without scientific substantiation of the criteria for each critical control point of produced and sold food products, it is impossible to ensure the effectiveness and purposefulness of this procedure.

Keywords: Nutritional, food contamination, vegetables and fruits, average daily food.

Мавзунинг долзарблиги: Овқатланиш бўйича 2010 йилдаги Codex Alimentarius Халқаро анжумани ер юзидаги юз миллионлаб аҳоли ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб чиқарган юқумли касалликлар орқали жабрланмоқда, деган маълумотни берган. Мазкур анжуманда эълон қилинишича, етарлича озуқавий, хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳар бир инсон таъминланиши шарт деб алоҳида таъкидлаб ўтилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши дунёдаги барча давлатларда жуда катта иқтисодий оқибатларга ва одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. ЖССТ томонидан берилган маълумотларнинг гувоҳлик беришича 2006 й. ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган болалар диареяси, камқонлик касалликлари саломатликдаги энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги муаммоси ХХІ асрда ҳам инсониятни ташвишга солиши шубҳасиз, бунинг устига айрим глобал ўзгаришлар янги юз йилликда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига негатив таъсир кўрсатишини давом эттиради. Бундай ўзгаришлар қаторига аҳоли сонининг ортиб бориши, урбанизация, камбағаллик, озиқ-овқат халқаро савдоси кабиларни киритиш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон БЖСТ таркибига кириши мумкинлигини эълон қилган ва ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда Халқаро Кодекс Алиментариус Қўмитаси НАССР (Hazards Analysis and Critical Control Point- нозик назорат нуқталарида тахлика омилларига баҳо бериш) тизимини фермадан истеъмолчининг дастурхонигача принципи бўйича ҳар бир соҳа учун тахликали нозик назорат нуқталарни белгилаш лозимлигини талаб қилади. Мазкур жараён маҳсулотни етиштириш, ҳосил йиғиш, ташиш, қайта ишлашдаги технологиялар ва мамлакатдаги иқлимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, нозик нуқталар назоратини амалга ошириш ва таҳлил қилишга

мўлжалланган.

Мақсад: Йил фаслларида кўра, Республикаимизнинг турли худудларида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида ҳар хил турдаги сабзавот ва меваларни истеъмолга бўлган талабини баҳолаш.

Барча турдаги сабзавот ва меваларни озуқавий ва биологик қийматини таҳлил қилиш ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда санитария-гигиеник усуллардан фойдаланган ҳолда назорат нуқталарда таҳлика берувчи омилларни таҳлил қилиш тизимини ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Натижалар: Тадқиқотимизнинг бу жараёнида Самарқанд вилоятининг 140 хонадонидида истиқомат қилувчи уй бекалари, Тошкент шаҳри ва Тошкент тиббиёт коллежидан 220 нафар кўнгилли талабалар иштрок этишди. Овқатланишнинг адекватлигини баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг турли ёш ва жинсий гуруҳлари учун қабул қилинган физиологик энергия ва озуқавий эҳтиёж меъёрлари маълумот сифатида, шунингдек ФАО/ЖССТ шкаласи бўйича озуқа истеъмоли стандартлари асос қилиб олинди.

Ўрганилаётган объектлардаги ўртача кунлик озиқ-овқат истеъмолининг таҳлили шуни кўрсатдики, барча турдаги маҳсулотлар учун Ўзбекистонда қабул қилинган соғлом овқатланиш меъёрларидан четга чиқиш ҳолатлари ($P < 0,01$) ёз-куз ойларида ҳам, қиш-баҳор мавсумида ҳам кузатилди, (кофе, томат пастаси ва зираворлардан ташқари ($P \geq 0,01$)).

Агар ўрганилаётган объектларда ўртача кунлик озиқ-овқат истеъмоли ҳолатини соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар билан солиштириб умумий таҳлил қиладиган бўлсак, ёз-куз мавсумида сабзавот истеъмоли деярли 1,5 баробар, қиш-баҳор мавсумида 2 баробар кам эканлиги кузатилди. ЖССТ томонидан берилган тавсияларга кўра сабзавот ва мевалар кунига 400 граммни ташкил этган, ёз-куз мавсумида Самарқанд вилоятида; $128,4 \pm 2,3$ граммни, Тошкент шаҳрида $196,2 \pm 3,3$ г, қишлоқ жойларда эса $190,8 \pm 3,1$ г, истеъмол қилиниб, бу ЖССТ томонидан берилган тавсиясига кўра 2 баравар кам эканлигини кўрсатади.

1-жадвал

Катта ёшдаги аҳолининг соғлом овқатланиши бўйича сабзавот ва меваларнинг ўртача кунлик истеъмолини тавсиялар билан солиштирма қиёсий таҳлили, мавсум бўйича г/кун, $M \pm m$.

Маҳсулотлар номи	Самарқанд вилояти		Тошкент шаҳри	Меъёр [71]	P
	Шаҳар	Қишлоқ			

Ёз-куз мавсуми					
Сабзавотлар	102,6±3,3	148,8±3,8	143,0±3,6	200,0	<0,01
Мева ва резаворлар+ узум	41,0±1,1	87,0±1,7	74,2±1,4	200,0	<0,01
Жами	129,2±2,4	190,8±3,1	198,2±3,3	400,0	<0,01
Қиш баҳор мавсуми					
Сабзавотлар	89,4±2,2	116,8±3,8	240,3±5,5	200,0	<0,01
Мева ва резаворлар+ узум	40,5±2,2	65,0±2,8	74,2±3,1	200,0	<0,01
Жами	129,5±3,0	181,8±3,8	314,5±4,3	400,0	<0,01

1-жадвал

Тиббиёт коллежи талабаларининг соғлом овқатланиши бўйича сабзавот ва меваларнинг ўртача кунлик истеъмолини тавсиялар билан солиштирма қиёсий таҳлили, мавсум бўйича г/кун, М±м.

Маҳсулотлар номи	Меъёр [74]	Тошкент шаҳри. Колледж талабалари		P
		Ўғил боллар	Қизлар	
Ёз-куз мавсуми				
Сабзавотлар	200,0	116,2±3,9	113,2±3,7	<0,01
Мева ва резаворлар+ узум	200,0	44,0±1,7	44,5±1,7	<0,01
Жами	400,0	146,2±5,6	145,2±5,6	<0,01
Қиш баҳор мавсуми				
Сабзавотлар	200,0	113,2±3,7	111,2±3,7	<0,01
Мева ва резаворлар+ узум	200,0	45,0±1,7	44,0±1,7	<0,01
Жами	400,0	157,8±6,0	157,2±6,0	<0,01

Бу кўрсаткич турли давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг сезиларли даражада фарқланишини кўрсатади. ФАО/ЖССТ маълумотларига кўра, 2004-2021 йилларда Республиканинг ўртача доимий аҳолисининг 31,4 фоизга ўсишига қарамай, сўнгги 17 йил ичида аҳоли даромадларининг динамик ўсиши таъминланди, бу эса молиявий имкониятларни мустаҳкамлаш ва аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиш миқдорининг ортишига олиб келди. Жумладан, бир йилда сабзавот истеъмоли 287,0 кг, мева – 146,2 кг ни ташкил этган.

Хулоса: Олиб борилган тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўрганилаётган ҳудудларда рационал овқатланиш тамойилларига риоя қилишнинг паст даражада бўлиши ўрганилаётган объектларда ўртача кунлик овқатланишдаги сабзавот истеъмоли деярли 1,5 баробар, қиш-баҳор мавсумида 2 баробар кам эканлиги кузатилди. Ушбу ҳолат “Даладан истемолчининг дастархонигача”

замонавий тизимига асосланган ҳолда сабзавот ва мевалар истеъмолини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
2. Normamatovich F. P. et al. Rationale for the application of the HACCP system in the production of functional food products //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2021. – Т. 8. – №. 3. – С. 1535-1539.
3. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
4. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
5. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
6. Файзибоев П. Н. Қандолат маҳсулотларининг замонавий технологияларда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш //International journal of recently scientific researcher's theory. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.
7. Файзибоев П. Н. Ўзбекистон аҳолисининг миллий қандолат маҳсулотлари билан озиқланишида “новвот” нинг тутган ўрин //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
8. Normamatovich F. P., Abduganievich O. S. METHOD OF PREPARING NOVVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN //International journal of recently scientific researcher's theory. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 160-164.
9. Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-289.
10. Файзибоев П. Н. Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузаил Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович.(2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – Т. 2. – №. 1. – С. 71-76.

11. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VANOLASH //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023. – Т. 4. – №. 1.
12. Неъматова Н. Ў., Файзибоев П. Н. Парентерал вирусли гепатитлар В, С ва ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари//Замонавий инфектология: юқумлиичак, вирусли ва паразитар касалликларни даволашга замонавий ёндашув, Тошкент. - 2016. - Т. 157.
13. Файзибоев П. Н. Оценка биологического разнообразия рационов питания для детей //Экономика и социум. – 2021. – №. 10 (89). – С. 1131-1146.
14. Normamatovich F. P. The value of confectionery products in human nutrition. – 2022.